

АЙТИда янги изланиш



"Ўзавтойўл" АК тизимидағи Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институтида бугунги кунда кўплаб илмий ихтиrolар ва тадқиқотлар устида иш олиб борилмоқда. Улардан бири – замонавий янги тадқиқот технологиясидир.

Гап шундаки, мазкур технологияни харид қилиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали Тошкент ҳамда Фарғона водийси вилоятларининг 376 км узунликдаги минтақавий автомобиль йўлларининг ҳолатини диагностика қилиш ва кадастрдан ўтказиш, уларнинг таъмирида ишлатиладиган хомашёларни лаборатория текширувидан ўтказиш ва кейинчалик уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мумкин.



Мазкур лойихадан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистондаги автомобиль йўллари таъмири устидан техник бошқарувни яхшилаш ҳамда Республика худудларидағи йўлларнинг ҳолатини олдиндан билиб, фаолиятни ушбу мақсадларга йўналтиришdir.



Институт раҳбари О.Зияевнинг фикрича, янги технология амалиётга жорий этилса, бир томондан, йўллардаги қурилиш ишлари сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилиши, бошқа томондан эса, мазкур ишларни юқори технологиялар воситасида замонавий усуллар ёрдамида дастурлаштириш ва режалаштиришда ушбу янги ускуна қўл келиши мумкин.

"Ўзавтойўл" АҚ Матбуот хизмати